



International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies

International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies is a double-blind peer-reviewed, open-access journal published to reach excellence on the scope. It considers scholarly, research-based articles on all aspects of economics, finance and accounting. As an international congress aimed at facilitating the global exchange of education theory, contributions from different educational systems and cultures are encouraged. It aims to provide a forum for all researchers, educators, educational policy-makers and planners to exchange invaluable ideas and resources.

Кўчмас Мулкни Солиққа Тортишнинг Институтционал Жиҳатлари

Тўлаков Улугбек Тошмаматович

Термиз давлат университети, Молия кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Ушбу тадқиқотда кўчмас мулкни солиққа тортишнинг институтционал жиҳатлари таҳлил қилинган. Институтционал иқтисодиёт назарияси доирасида кўчмас мулк солигини кадастр баҳолаш билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Солиқ солиш ва кадастр баҳолаш институтлари ижтимоий, иқтисодий ҳамда хуқуқий тизимларнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўриб чиқилган. Тадқиқотда кўчмас мулк солигининг ижтимоий адолат ва ҳудудий ривожланиши таъминлашдаги ўрни, функционал мажбуриятлари ҳамда институтционал моделининг шаклланиш босқичлари аниқланган. Шунингдек, солиққа тортишда кадастр қийматини аниқлаш методологияси ва давлат томонидан тартибга солиш механизмлари муҳокама қилинган. Тадқиқот натижалари асосида кўчмас мулкни кадастр баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва институционал асосларни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кўчмас мулк солиги, институционал иқтисодиёт, кадастр баҳолаш, солиққа тортиш, институтционаллашув, кадастр қиймати, солиқ сиёсат, ижтимоий адолат, ҳудудий ривожланиш, давлат томонидан тартибга солиш.

Кўчмас мулкни солиққа тортишнинг ривожланишини ўрганиш учун тадқиқот парадигмаси сифатида институтционал иқтисодий назарияни қўллаш мумкин. Ижтимоий, шу жумладан иқтисодий тизимларнинг институтционал табиати, солиқ солиш ва кўчмас мулкни кадастр баҳолашни ташқи меъёрлар ёки институтлар орқали тартибга солинадиган одамларнинг ҳамкорликдаги фаолияти бўлган ижтимоий тизим сифатида ўрганиш имконини беради.

Таърифга кўра, институт амалда ишлайдиган рефлексив меъёрdir. «Ташқи меъёрнинг ижтимоий амалиётда ўрнашиши, унинг одамларнинг ҳақиқий хатти-харакатларида (реал хуқуқий муносабатларда, анъаналарда ва ҳоказо) амалда тасдиқланганлигини институтционаллашув деб атаймиз. Бунда биз биргалиқдаги фаолиятнинг институтциаллашуви ҳақида гапираётганимизни назарда тутамиз. Яқиндан қараганда, институционаллашув – бу институтлар томонидан тартибга солинадиган ҳамкорликдаги фаолиятдир».

Институционаллашув – бу тадқиқотга тизимли ёндашувни ривожлантиришdir. Тадқиқотнинг институционал модели тадқиқот объектини алоҳида эмас, балки инфратузилманинг асосий элементлари – фуқаролик жамиятининг асосий институтлари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни назарда тутади.

Кўчмас мулкни солиқقا тортиш ва кадастр баҳосини институционал ёндашув нуктаи назаридан кўриб чиқамиз:

- улар орқали институт сифатида амалга ошириладиган функционал мажбуриятларни аниқлаймиз;
- жамиятнинг тизимли институтлари ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кўчмас мулкни солиқقا тортиш ва кадастр баҳолаш институтининг шаклланиш босқичларини аниқлаймиз;
- кўчмас мулкни солиқقا тортиш ва кадастр баҳолашнинг институционал хусусиятларини қайд этиб ўтамиз.

2021 йилдан кўчмас мулк обьектларини мўлжалланган мақсадларига қараб солиқقا тортиш бўйича Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани, Навоий вилояти Навоий шаҳри, Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ва Бухоро вилояти Ромитан тумани тажриба–синов ўtkazilgанидан бошлаб Ўзбекистонда кўчмас мулк солиғини кадастр қиймати асосида жорий этиш учун шарт–шароитлар яратиш солиқ сиёсатининг стратегик мақсади сифатида бир неча бор эълон қилинди. Агар кўчмас мулкни солиқقا тортиш миссияси солиқнинг асосий элементларини адолатли белгилаш орқали ҳудуднинг барқарор ривожланишини таъминлаш сифатида белгиланса, бундан келиб чиқадики, кўчмас мулкни солиқقا тортишнинг функционал мажбуриятлари ижтимоий адолат ва ҳудудий ривожланишdir.

Кўчмас мулк солиғининг ижтимоий жиҳати – ижтимоий ва солиқ сиёсатининг бирлигидир. Адолат тамойили солиқ солишининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, у фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва уларнинг эркин ривожланишини қўллаб–куватлашга қаратилган ижтимоий давлат қуришнинг муҳим асосидир. Ҳудудларни ривожлантириш маъносида кўчмас мулк солиғининг мақсадини қўйидагича ифодалаш мумкин – кўчмас мулк солиғи ҳудудий ривожланишнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлаши ва ҳудуднинг солиқ салоҳиятини шаклланишига олиб келиши керак.

Солиқ солишининг функционал мажбуриятлари кўчмас мулкни кадастр баҳолаш методологиясида ўз аксини топади (1–жадвал).

1–жадвал. Кўчмас мулкни солиқقا тортиш ва кадастр баҳолаш методологияси¹

Кўчмас мулкни солиқcca тортиш вазифаси			
Функционал мажбуриятлар			
1. Ҳудудни ривожлантириш: – ҳудуднинг солиқ базаси ва солиқ салоҳияти; – инфратузилмани ривожлантириш; – ҳудудий бюджетларни тўлдириш; – инвестициявий жозибадорлиги.		2. Ижтимоий адолат: – прогрессив солиқ; – имтиёзлари; – ижтимоий ва стандарт чегирмалар; – бойлиқ, ҳашамат солиғи.	
Солиқقا тортиш учун баҳолашнинг иқтисодий назариялари			
Номи	Қийматнинг меҳнат назарияси	Қийматнинг бозор назарияси	Қиймат назарияси – солиқقا тортишнинг функционал императиви билан боғлиқлиги.

¹ Муаллиф томонидан тайёрланган

Тамойиллар	Харажатларни қоплаш	Энг яхши ва энг самарали фойдаланиш тамойили	Ҳақиқий фойдаланишни баҳолаш
Натижа	Қиймат меъёр сифатида	Қиймат индикатив сифатида.	Қиймат бойлик сифатида
Кўчмас мулк кадастр қийматини баҳолаш методикаси			
Кадастр қиймати: – қиймат функцияси ёрдамида аниқланади; – индивидуал бозор қиймати сифатида белгиланади.	– объектларни турларга ажратиш; – қиймат жойлашув параметрлари, объект хусусиятлари, кўчмас мулк бозори сегменти, вақт функцияси сифатида; – методологияда қийматнинг функцияси аниқ белгиланган.	Кадастр қиймати: – қиймат функциясини аниқлаш учун етарли маълумот бўлмаса, қийматнинг аҳамияти бўйича қарор қабул қилинади.	
Кўчмас мулкни баҳолаш стандарти – методологияларни қўллашни тартибиға солиш			

Кадастр қийматини аниқлаш катта ҳажмдаги ахборотни тайёрлаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш, баҳолаш усулларини асослаш ва қўллаш, қарорлар қабул қилиш, умумлаштириш ва фаразлар билан боғлиқ мураккаб жараёндир. Масалан, “Солик солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг, турар жой фондининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги ва “Солик солиш мақсадида жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган нотурар кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низомлар баҳолаш жараёнининг деярли ҳар бир босқичи бўйича фаразларни қўллаш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олади.

Баҳоловчи амалга оширадиган тахминлар кўчмас мулк солиғининг мақсадини белгилашдан, давлатнинг солиқ сиёсати тамойилларидан келиб чиқади. Ер участкалари ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектлари, бир хил функционал вазифага (фойдаланишга) эга бўлиб, у объектларни баҳолаш ва солиққа тортиш мақсадида таснифлашга асос бўлади.

Худди шу ёндашувни баҳолаш объектидан энг яхши ва энг самарали фойдаланиш тамойилини қўллашда ҳам кузатиш мумкин. Алоҳида олинган баҳолаш объектидан энг яхши ва энг самарали фойдаланиш баҳолаш объекти мулкдорининг мақсад ва вазифаларига мос келадиган, бироқ жамоат манфаатларига зид бўлган фойдаланиш бўлиши мумкин.

Шуниси қизиқки, институтционал иқтисодий назария мазмунида «тизим нуқтаи назаридан энг яхши ёки оптимал фаолият кўрсатиш ёки ривожланишни аниқлаш – бу маълум бир функцияни максималлаштириш муаммоси эмас, балки бир хил қадриятларга, масалан, иқтисодий, бошқа қадриятлар – ижтимоий, сиёсий, маданий ва ҳоказоларга қўйилган чекловларга ўзаро қилиш муаммосидир».

Институтционал иқтисодий назария тадқиқот марказига «иқтисодий» одамни эмас, балки «жонли» одамни қўйди ва унинг бозордаги хатти-харакати нима билан белгиланишини аниқлашга ҳаракат қилди. Маълумки, XIX аср иқтисодий назариялари, айниқса, бу фандаги маржиналистик йўналишга тааллуқли бўлиб, ўз қурилишларида «иқтисодий инсон»нинг мавжудлиги шартидан очиқ ёки билвосита келиб чиқсан, унинг иқтисодий таҳлилда пайдо бўлиши А. Смит номи билан боғланади. Бу ўз манфаатини максималлаштиришга интилевчи ва бу фойда нимадан иборат эканлигини жуда аниқ биладиган, мустақил афзалликларга эга бўлган одам. Бироқ, институтционалашув вакилларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни талқин қилишда индивидуал (мумтоз йўналишдаги сиёсий иқтисоддаги каби) эмас, балки гурух психологиясининг

белгиловчи ролидан келиб чиқадилар.

Биз янги Ўзбекистонда кўчмас мулкни солиққа тортиш ва кадастр баҳолаш институтининг шаклланишини институтционал иқтисодиёт нуқтаи назаридан тизимли институтларнинг ривожланиши мазмунида ўрганамиз.

Тизимли институтлар тизимли функционал мажбуриятларни амалга оширади. Ушбу тадқиқот мазмунида мулкчилик, ҳуқуқ, солиққа тортиш институтлари тизимли институтлар сифатида кўриб чиқилади. Улар ижтимоий давлат ва фуқаролик жамиятининг функционал мажбуриятларини мужассамлаштириш орқали ижтимоий ҳаётнинг институтционаллашган шакллари барқарорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкни солиққа тортиш ва кадастр баҳолаш институти шаклланишининг қуидаги вақтингчалик босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

2018 йилдан бошлаб мол-мulkни кадастр қийматидан келиб чиқиб солиққа тортишга ўтилгандан сўнг кўчмас мулкни кадастр қиймати асосида солиққа тортиш тарихида янги давр бошланди.

Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкни солиққа тортиш тизимини кадастр қиймати асосида солиққа тортишга ўтишни ислоҳ қилиш қуидаги муҳим босқичлар билан тавсифланади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги “Кўчмас мулк обьектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги 186–сон қарорида кўчмас мулк обьектларининг давлат кадастри соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматларининг нархларини белгилаш тартиби белгиланган;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389–сон қарорига асосан “Кўчмас мулк обьектларига кадастр йифмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги низомда кўчмас мулк обьектларига кадастр йифмажилдини тайёрлаш тартиби белгиланган;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 сентябрдаги 555–сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш ва кўчмас мулк обьектларининг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги низом кадастр рақамларини кўчмас мулк обьектлари бўйича тоифалаштириш орқали уларини солиққа тортиш, рўйхатга олиш ва бошқа давлат эҳтиёжлари учун маълумотларнинг аниқлигини таъминлайди.

Кўчмас мулкни кадастр баҳолаш методологиясини ривожлантириш давлат солиқ сиёсатининг кўчмас мулк солиғини жорий этиш борасидаги вазифаларини ҳал этиш учун жуда муҳимдир. Янгиликларга тайёргарлик кўриш ва кўчмас мулк обьектлари бўйича потенциал солиқ базасини аниқлаш учун 2021–2024 йилларда мамлакат бўйлаб 5 миллиондан ортиқ кўчмас мулк обьектлари – бинолар, иншоотлар, хоналар кадастр баҳоланди.

Олиб борилган тадқиқот натижасида солиқ солиши ва кўчмас мулк обьектларини кадастр баҳолаш институтининг шаклланишини ўрганиш учун институтционал ёндашув нуқтаи назаридан институтционал методология такомиллаштирилди, институтционаллашув босқичлари модели таклиф этилди (2–жадвал).

2-жадвал. Институционаллашув босқичлари ва уларнинг тавсифи²

1. Яратиш
<ul style="list-style-type: none">– институтнинг бошқарув органлари ташкил этилади;– тегишли тузилмаларнинг қарор ва фармойишлари чиқарилади;– судлар низоларни ҳал қилиш усули деб эълон қилинади.
2. Ташкил этиши
<ul style="list-style-type: none">– хуқукий базани мукаммал эмаслиги шароитида қонунчилик нормаларининг йўналтирувчи ва кўрсатмали тартибга солиниши;– тескари алоқа олмасдан бошқариш механизмларидан фаол фойдаланиш;<ul style="list-style-type: none">– ҳисобга олишни жорий этиш;– илк муҳим воқеа–синов лойиҳалари;– функционал жараёнлар ва технологияларнинг пайдо бўлиши;<ul style="list-style-type: none">– функционал ихтисосликни шакллантириш;– идоралараро ҳамкорликнинг бошланиши;– суд амалиётининг институт тараққиётига таъсирининг бошланиши.
3. Шакллантириш
<ul style="list-style-type: none">– қонунчиликни кодификациялаш;– маъмуриятчиликни унификациялаш;– функционал жараёнларнинг барқарорлиги;<ul style="list-style-type: none">– ҳисобни расмийлаштириш;– сифат менежменти тизимини (фаолият стандартларини) жорий этиш;<ul style="list-style-type: none">– институт инфратузилмасини аниқлаш;– ўзаро таъсирининг ахборот макони;– низоларни ҳал қилишининг суд усулларини фаоллаштириш, суд амалиётида зиддиятларнинг яққол намоён бўлиши.
4. Ривожлантириш
<ul style="list-style-type: none">– мақсадли бошқарувни жорий этиш, тескари алоқадан фойдаланган ҳолда бошқариш;– тизимнинг очиқлиги - инфратузилмавий ўзаро таъсир қоидаларини соддалаштириш;– ўзаро ҳамкорликнинг ахборот макони - ривожланган ахборот инфратузилмаси;<ul style="list-style-type: none">– функционал жараёнларнинг етуклиги;– фаолият функционалларини оптималлаштириш;– суд амалиётининг барқарорлиги ва кутилганлиги;– тажриба-синов лойиҳалари натижаларини умумлаштириш, янги институтларни вужудга келтириш;<ul style="list-style-type: none">– ўз-ўзини бошқариш элементларини киритиш.
5. Яхшилаш
<ul style="list-style-type: none">– асосий самарадорлик кўрсаткичларига эришиш – КРГа асосланган бошқарув;– институт – очиқ ўз-ўзини бошқариш тизими, институционал чегараларнинг йўқлиги, инфратузилма жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги;– бошқарувнинг ахборот маданиятини, фуқаролар ва юридик шахслар билан электрон ҳамкорлик қилиш технологияларини ривожлантириш;<ul style="list-style-type: none">– жамоат кенгашлари, бошқарувда ҳалқ назорати;– низоларни судгача ҳал қилиш амалиёти.
6. Бекор қилиш

Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкни солиқقا тортиш ва баҳолаш институтини жорий этиш зарурати солиқ солинадиган кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари бўлган давлат, маҳаллий органлар ва солиқ тўловчилар ўртасида ер участкаларига ва улар билан

² Муаллиф томонидан тайёрланган

мустаҳкам боғланган бошқа кўчмас мулк обьектларига бўлган мулк муносабатлари негизида вужудга келадиган янги ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкни солиққа тортиш ва баҳолаш институтини жорий этиш зарурати солиқ солинадиган кўчмас мулк обьектларининг мулқдорлари бўлган давлат, маҳаллий органлар ва солиқ тўловчилар ўртасида ер участкаларига ва улар билан мустаҳкам боғланган бошқа кўчмас мулк обьектларига бўлган мулк муносабатлари негизида вужудга келадиган янги ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши билан боғлиқ.

Мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг мураккаблиги уларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам фуқаролик, ҳам солиқ ҳуқуқига дахлдорлиги, шу сабабли тартибга солишнинг мустақил ҳуқуқий ва ташкилий институтларига мухтожлиги билан белгиланади. Шунинг учун кўчмас мулкни кадастр баҳолашнинг самарали ишлашини таъминловчи ташкилий механизмни шакллантириш зарур.

Кўчмас мулкни солиққа тортиш ва кадастр баҳолаш институти кўп сонли иқтисодий фаолият субъектларининг кутилмалари марказида бўлиб, фаолият юритиш жараёнида қарама–қарши кутилмаларни шакллантиради (3–жадвал).


3–жадвал. Иқтисодий фаолият субъектларининг ўзаро кутилмалари³

Ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектлар	Кўчмас мулкни солиққа тортиш ва кадастр баҳолаш институтидан ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектларнинг кутилмалари	Ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектлардан кўчмас мулкни солиққа тортиш ва кадастр баҳолаш институтини кутилмалари
Қонун чиқарувчи ҳокимият органлари	Миссияни бажариш	Фаолиятни қонунчилик билан таъминлаш
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Кўчмас мулкни солиқ солиш бўйича фаолиятини норматив-ҳуқуқий таъминоти	Фаолиятни мувофиқлаштириш
Солиқ қўмитаси	Солиқ базаси	Фаолият инфратузилмасини кўллаб–куватлаш
Кадастр агентлиги	Кадастр агентлигига ҳисобга олиш таснифи	Кадастр баҳолаш учун кўчмас мулк обьектларининг тўлиқ ва изчил рўйхати
Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари	Кўчмас мулк обьектларининг худудни ривожлантириш вазифаларига хизмат қиласидан кўчмас мулк солиги учун солиқ базасини шакллантирувчи тегишли қиймат тавсифи	Худуд ҳақида маълумотлар. Худуднинг солиқ салоҳиятини шакллантириш. Солиқ ставкалари бўйича қарорлар қабул қилиш.
Судлар	Консультация, эксперт хulosаси олиш	Солиқ базаси қийматлари бўйича муносабатлари билан қарорлар қабул қилиш.

³ Муаллиф томонидан тайёрланган

Ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектлар	Кўчмас мулкни солиққа тортиш ва кадастр баҳолаш институтидан ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектларнинг кутилмалари	Ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектлардан кўчмас мулкни солиққа тортиш ва кадастр баҳолаш институтини кутилмалари
		Қарорларнинг изчилиги ва тушунарлилиги.
Низоларни судгача ҳал қилиш комиссияси	Институт вакилларининг комиссиялар ишида иштироки	Солик базаси бўйича низоларни судгача ҳал қилиш жараёнини ижро этиш
Солик тўловчилар	Баҳолашнинг тушунарлилиги. Қийматнинг таққосланиши. Баҳолашда муҳим омилларни ҳисобга олиш. Имтиёзлар ва чегирмаларни қўллаш. Баҳолаш натижаларига эътиroz билдириш имконияти.	Фуқаролик позицияси. Оммавий баҳолаш механизмларини тушуниш. Солик базаси сифатида кўчмас мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун индивидуал баҳолаш
Баҳоловчилар	Соликқа тортиш учун баҳолаш методологияси	Кадастр қийматини аниқлаш
Баҳоловчилар, солик маслаҳатчилари	Институт фаолиятига жалб этиш	Касбий тажриба
Ўз–ўзини бошқариш органлари, касаба уюшмалари	Касбий фаолият стандартларига мувофиқлиги	Услубий–ахборот таъминоти
Жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар	Фаолиятнинг очиқлиги ва натижаларнинг тушунтирилиши мумкин. Қарор қабул қилиш мақсадларининг аниқлиги	Қарор қабул қилиш усусларини тасдиқлаш
Кадастр баҳолаш хавфини суғурталовчилар	Ишларнинг сифати	Иш хавфини суғурталаш

Кадастр қийматини ҳисоблаш ва қўллаш жараёнига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат хизматлари, баҳоловчиларнинг ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлари, баҳоловчилар, солик тўловчилар, судлар ва низоларни судгача ҳал қилиш комиссиялари, ижарачилар ва ижарага берувчилар жалб этилган (1–расм).



1-расм. Кўчмас мулк солиғининг солик базасини аниқлашда иқтисодий фаолият субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги⁴

Кўчмас мулк обьектларини шакллантириш жараёнини ташкил этиш билан ҳозирда кадастр агентлиги хизмати шуғулланади. Кўчмас мулкни давлат кадастр баҳолаш бўйича ишлар Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимияти ижро этувчи органлари ташабbusi билан амалга оширилади.

Кадастр баҳолаш натижаларини тасдиқлаш механизмини шакллантириш ва кадастр қийматини кўллаш механизmlarini шакlantiriш билан Иқтисodiёт va molija vazirligi hamda Solik qumitasasi shuғullanadi.

Баҳолаш фаолиятининг ўзини ўзи тартибga солишини назорат қилиш Иқтисodiёт va molija vazirligiga yוקлатилган. Ўз-ўзини тартиbga солувчи баҳоловчи ташкилотлар кадastr қийmatini аниқлаш бўйича ishlar natijalariini expertizadan utkazadi, Solik qumitasasi kuchmas mulk obyektlarini kadastr baҳolash жараёniда аниқланган kadastr қийmatini kuchmas mulk obyektlarini solikqa tortishda kўllaydi.

Бу қийmatlar bir-biridan жиддий фарқ қиласи. Индивидуал баҳolashda баҳolash

⁴ Муаллиф томонидан тайёрланган

объектининг қиймат шаклланишига таъсир этувчи барча ўзига хос хусусиятлари аниқланади, давлат кадастр баҳолашида баҳоловчи баҳолаш объектларини умумлаштиради ва амалда баҳолаш объектлари синфини баҳолайди. Давлат кадастрини баҳолаш ташаббуси солик олувчилар томонидан, унинг натижалари юзасидан эса солик тўловчилар томонидан низолашилади. Солик тўловчилар ўзларига тегишли кўчмас мулк объектининг бозор қийматини индивидуал баҳолаш бўйича ишларни буюрадилар, низо муваффақиятли чиқкан тақдирда бу кадастр баҳосига тенг деб қабул қилинади ва солик базасига айланади.

Кўриниб турибдики, бундай ёндашувда солик тўловчилар аслида солик базасини ўз манфаатлари йўлида мустақил равишда белгилайдилар. Бу худуднинг солик салоҳияти ноаниқлиги ва бекарорлигига, худудларда даромад ва харажатларни режалаштириш имкониятининг мавжуд эмаслигига олиб келади. Солик тўловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи кўндаланг бўлмоқда. Баҳолаш фаолиятини ўз–ўзини тартибга солишнинг жорий этилиши натижасида солик базасини баҳолашда давлат манфаатлари ҳимоя қилинмай қолади. Узоқ вақт давомида кадастр баҳолаш методологиясини белгилаб берган ва ишлар натижаларини экспертизадан ўтказган давлат ушбу функцияларни баҳоловчиларнинг ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотларига топширади. Шунинг учун ҳозирги вақтда кадастр қийматини аниқлашнинг ягона методологияси мавжуд эмас ўзини ўзи тартибга солувчи баҳоловчи ташкилотлар ҳар бири ўз услугиятини белгилаш ва ишларни экспертизадан ўтказиш ҳукуқига эга. Кўчмас мулк бозорининг мониторинги олиб борилмаяпти, қийматни аниқлашнинг асосий ахборот базаси – талаф ва таклиф, кўчмас мулкнинг бозор нархлари даражаси тўғрисидаги маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Кўчмас мулкни кадастр баҳолашнинг ташкил этилишига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Савол туғилади – ташкилий таъминот кўчмас мулкни кадастр баҳолаш мақсадларига мос келадими? Баҳолаш фаолиятининг ўзини ўзи тартибга солиш доирасида давлат аҳамиятига молик ишларнинг узлуксизлиги, тўлиқлиги ва сифатини таъминлаш мумкинми? Кўриниб турибдики, кўчмас мулкни кадастр баҳолашнинг мавжуд ташкилий таъминоти фаолиятнинг мақсадига мос келмайди.

Кўчмас мулкни кадастр баҳолаш тизимининг ишлаши, таъминотнинг барча турларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири учун таъминотнинг яна бир тuri – ташкилий таъминотни ривожлантириш зарур. Ҳозирги вақтда кўчмас мулкни кадастр баҳолаш тизими фаолиятининг изчиллиги, мунтазамлиги ва узлуксизлигини таъминловчи алоҳида ташкилий тузилма шакллантирилмаган.

Бундай ташкилий тузилма кўчмас мулкни давлат кадастр баҳолаш билан боғлиқ масалаларни узлуксиз ва тезкор ҳал қилиш учун ҳам давлат даражасида, ҳам маҳаллий даражада мавжуд бўлиши керак. Янги ташкил этилган кўчмас мулк объектларини, ўзгарувчан хусусиятларга эга бўлган кўчмас мулк объектларини баҳолаш, солик тўловчиларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган апелляция жараёнларини амалга ошириш учун мунтазам фаолият кўрсатиш зарур.

Келтирилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кадастр баҳолашини ўтказиш учун қуидагилар зарур:

- баҳолаш объектлари рўйхатини шакллантириш;
- кўчмас мулк бозори мониторингини олиб бориш;
- худудни баҳолаш бўйича зоналаштиришни ўтказиш;
- ишлар сифатини назорат қилиш;
- давлат кадастр баҳолаш маълумотлари фондини юритиш;
- кадастр қиймати бўйича судга қадар ва судда низолашиш тартиб–таомилларида иштирок этиш;
- кадастр баҳолашнинг турли вақт фазалари, босқичлари ва босқичларида бажарилган

ишларнинг мувофиқлигини таъминлаш;

- турли иштирокчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, натижаларни мувофиқлаштириш.

Муаллифнинг фикрича, кадастр баҳолашнинг давлат томонидан тартибга солинишини жорий этиш лозим. Кўчмас мулкни кадастр баҳолашнинг субъекти жисмоний шахслар эмас, балки кўчмас мулкни кадастр баҳолашнинг барча босқичлари, этаплари ва фазаларида ишларнинг бажарилиши учун жавоб берадиган давлат ёки худудий корхоналар бўлиши керак. Корхоналар ходимлари кадастр баҳолашнинг ягона методикасидан фойдаланиши, ишларни давлат даражасида экспертизадан ўтказиши керак. Давлат кадастрини баҳолаш бўйича ишларни бажарувчи баҳоловчилар ва эксперталар малакасига кўйиладиган маҳсус талабларни ишлаб чиқиши лозим.

Кадастр баҳосини давлат томонидан тартибга солиш давлат ва маҳаллий даражаларда ифодаланиши мумкин.

Давлат даражасида меъёрий–услубий таъминот шакллантирилиши керак. Худудлар баҳолаш обьектлари рўйхатларини шакллантириш, худудий ахборот ресурсларини юритиши, кўчмас мулк бозорини мониторинг қилиш бўйича кадастр баҳолашнинг ахборот таъминоти учун жавоб беришлари керак. Худудлар солиқ базасини назорат қилишлари, солиқ юкини баҳолашлари, худуднинг солиқ салоҳиятини ўлчашлари, кадастр қиймати бўйича низолашиш бўйича судгача ва суд жараёнларида иштирок этишлари керак. Кадастр қиймати бўйича баҳс–муноザаралар фаол кечеётганлиги сабабли кадастр баҳоси тўғрисидаги ҳисботни қийматни тасдиқлаш учун экспертизадан ўтказиш керак, бунинг учун эса кўчмас мулк бозорининг мониторингини доимий равищда олиб бориш зарур.

Худудлар бўйича таққосланадиган кўчмас мулк обьектларининг кадастр қиймати тенгсизлигининг олдини олиш учун давлат даражасида солиқ солиш обьектлари Ўзбекистон Республикасининг турли худудида жойлашган йирик солиқ тўловчилар билан шуғулланиш керак.

Кадастр баҳолашнинг турли фазалари, босқичлари ва этапларида бегоналаштириладиган ишларни бажариш учун зарурат туғилганда, баҳоловчилар ва баҳолаш ташкилотлари жалб этилиши мумкин. Кўплаб мамлакатларда солиқ ундириш мақсадида кўчмас мулкни баҳолаш тизими айнан шу тарзда ташкил этилган.

Кўчмас мулкни кадастр баҳолашни ташкил этишда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш учун қуидагилар таклиф этилади:

- солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкни баҳолашни давлат томонидан тартибга солишни жорий этиш;
- ташкилий таъминот функциялари худудларда ушбу мақсад учун маҳсус ташкил этилган бюджет муассасаларига юклатиш;
- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида кўчмас мулкни баҳолаш бўйича Эксперт кенгашини ташкил этиш, унга солиқ баҳолаш методологиясини белгилаш, кўчмас мулкни солиқка тортиш соҳасидаги сиёsat бўйича стандартни ишлаб чиқиши соҳасидаги ваколатларни бериш;
- лицензияланган солиқ баҳоловчилари тузилмасини шакллантириш, кўчмас мулк обьектларини кадастр баҳолаш бўйича ишларни бажариш бўйича сезиларли тажрибага эга бўлган баҳоловчи компанияларни аккредитациядан ўтказиш;
- кўчмас мулк бозори мониторингини ўтказиш, унинг натижалари солиқ баҳосида ҳам, солиқ қийматини низолаштириш учун индивидуал баҳолашда ҳам кўлланилиши керак.

Бу солиқ солиш мақсадидаги баҳолаш тартибини барқарор, сифатли ва яхлит қилишга имкон беради. Шунингдек, у Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкни солиқка

тортишни ривожлантириш доирасида ушбу ишларга қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солик солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектларининг, турар жой фондининг кадастр қийматини хисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низом 1043-сон қарорига 1-илова.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 июлдаги “Солик солиш мақсадида жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган нотурар кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини хисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низом 561-сон қарорига 1-илова.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
4. Безруков, В.Б. О реализации проекта «Разработка и тестирование системы кадастровой (массовой) оценки объектов недвижимости. Имущественные отношения в Российской Федерации. –2010. –№3. – С. 24–29.
5. Львов, Д.С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА–М, 2001. – 318 с.
6. Пылаева, А.В. Основы кадастровой оценки недвижимости: монография. Изд–во ННГАСУ. – Н. Новгород, 2014. – 141 с.
7. Тўлаков, У., & Жўраев, С. (2023). Кўчмас мулкни соликқа тортишда хорижий давлатларда амалга оширилган ислоҳотлар. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари, 3(8), 85-92.
8. Тўлаков, У. Т. (2023). Кўчмас мулкни соликқа тортишда хорижий давлатлар тажрибаси. Iqtisodiyot va ta’lim, 24(1), 407-416.
9. To‘lakov, U.T. (2024). Samarali soliq ma’muriyatichilagini ta’minlashning nazariy va konseptual asoslari. Республика илмий-амалий конференция тўплами, 32-34.